

Билқис бинти Шароҳил (Яман маликаси) (биринчи мақола)



09:00 / 20.03.2021 2846

Милоддан аввал, Яман мамлакатидagi Сабаъ шаҳри ҳукмдори Билқис замонида бу юрт одамлари қуёшга сиғинишарди. Сулаймон алайҳиссаломнинг аскарлари худҳуд қуши буни кўриб, у шаҳар хабарини берди. Сулаймон алайҳиссалом хат ёзиб, (Билқисни) Исломга даъват этдилар. У пайғамбарга катта ҳадялар юборди, лекин Сулаймон алайҳиссалом уларни олмасдан яна Исломга чақирдилар. **«Бас, қачонки (Билқиснинг элчилари унинг юборган ҳадясини олиб) Сулаймон (ҳузурига) келгач, у деди: «Сизлар менга мол-дунё билан мадад бермоқчимисиз?! У ҳолда (билингизки), Аллоҳ менга ато этган (пайғамбарлик ва мулку давлат) У зот сизларга берган (мол-дунёдан) яхшироқдир. Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар, (лекин менинг унга эҳтиёжим йўқдир). Сен (қавминга) қайтиб бориб (айтгинки, агар ҳузуримга бўйинсунган ҳолларида келмасалар), албатта биз уларга шундай қўшин билан борурмизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва албатта биз уларни (қишлоқларидан) мағлуб ҳолларида қувиб чиқарурмиз» (Намл сураси, 36-37-оятлар).**

Билқис Сулаймон алайҳиссаломнинг катта қувват соҳиби эканликларини, у зотнинг динлари ҳақ динлигини билиб, пайғамбар ҳузурларига боради.

Исломни халқига эълон қилади. «(Маликага): «**Саройга киргин», дейилди. Энди қачонки у (саройни) кўргач, уни сув (тўлқин) деб ўйлаб оёқларини очган эди, (Сулаймон): «Бу ойнадан ясалган баланд қасрдир», деди. (Шунда малика) айтди: «Парвардигорим, дарҳақиқат мен (қуёшга сиғиниш билан) жонимга жабр қилибман, (энди) Сулаймон билан бирга барча оламлар Парвардигори - Аллоҳга бўйинсундим» (Намл сураси, 44-оят).**

Хайрли ҳудҳуд

Билқис ва унинг қавми қуёшга ибодат қилишарди. Аллоҳдан бошқага сажда этишарди. Сулаймон алайҳиссалом Шомда эдилар. Уларнинг қўлларида катта давлат бор эди. Инсон ва жинлар бўйсуниб, хизматларини бажаришарди. Қушлар тилини билар эдилар. Бир куни Сулаймон алайҳиссаломнинг аскарлари худҳуд аскарлари ичида кўринмай қолди. У Яманга кетган эди. У ерда малика ва қавмини кўрди. Уларнинг қуёшга ибодат қилаётганларидан, Аллоҳдан бошқага сажда этаётганларидан худҳуд хафа бўлди. Сулаймон алайҳиссалом аскарлари орасида худҳудни кўрмаганлари учун унинг қаердалигини сўрадилар. «Агар узрсиз кетган бўлса, азоблайман», дедилар. «**У қушларни кўздан кечириб (уларнинг орасида худҳудга кўз тушмагач): «Нега мен худҳудни кўрмаймман, балки у (мендан беизн) ғойиб бўлгувчилардандир?! Албатта мен уни қаттиқ азоб билан азобларман ё сўйиб юборурман ёки у менга (ўз узрини баён қилиб) очиқ ҳужжат келтирур», деди» (Намл сураси, 20-21-оятлар).**

Бир оз вақтдан сўнг худҳуд келди. Ғойиб бўлганлиги сабабини ундан сўрадилар. «Сулаймон деди: «**Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрурмиз» (Намл сураси, 27-оят).**

(Давоми бор)

«Мўминалар силсиласи» китобидан